TDPU
TOSHKENT DAVLAT
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

O'zPFITI

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ




# COOPERATION PEDAGOGICS IN SYSTEM OF CONTINUOUS EDUCATION

## THE INTERNATIONAL CONFERENCE

# ПЕДАГОГИКА СОТРУДНИЧЕСТВА В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

## МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

| | |
|---|---|
| **ХИДИРОВА Г.Н.** Метод проектов при формировании навыков лингвистического анализа | 266 |
| **ХУСАНБОЕВА Қ.** Ўзбек адабиёти ва халкаро педагогик ҳамкорлик | 268 |
| **ШЕВЦОВА О.В.** Лингвистическая компетентность – ключ к коммуникации | 271 |
| **ШЕВЦОВА О.В.** Языковая компетенция – ключ к коммуникации | 272 |
| **ШЕРМУРОДОВ Т.** Поэтик талқин тарғиботи –тарбиявий омил | 273 |
| **ШУКУРОВА З.Ю.** «Қисас ар-рабғузий»да ҳайвонлар ҳақидаги мифлар | 274 |
| **EGAMBERDIYEVA G.A., XALIYAROVA G.J.** Modern methods and techniques of teaching english language | 276 |
| **ЭРГАШЕВА Ш.** "Жаҳон адабиёти" фанини ўқитиш муаммолари | 278 |
| **ЭРКАЕВ Э., НАЗАРОВ С.** Чет тил дарсларида тил ўйинлардан фойдаланишга доир | 280 |
| **ЭШЧАНОВА Г.** Инсоний туйғулар тарбиясида бадиий асарнинг ўрни | 281 |
| **ЎРОҚОВ Ш., САИДОВА Ф.Б., ЮЗЛИКАЕВ Ф.Р., УРАЗОВА М.Б.** Структура интегративного подхода к обучению иностранному языку | 283 |
| **ЮЗЛИКАЕВ Ф.Р., ЮЛЬБАРСОВА Х.А.** Принцип интенсификации дидактической подготовки студентов при обучении иностранным языкам | 284 |
| **ЮСУПОВА Т.А.** Содда гап синтаксисини ўқитиш жараёнида морфологияни такрорлашнинг метод ва усуллари | 285 |
| **YUMI LEE.** Comparison of Korean and Uzbekistan students' views of nature | 287 |
| **ШОДМОНОВА Ш.С., ЗИЯЕВ А.С.** Ўрта махсус таълим муассасаларида маънавий – маърифий ишларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари | 289 |
| **GAPPAROVA M.E.** Yagona ta`lim jarayonida interfaol darslarini tashkil etish yo`llari | 290 |
| **RAXMONOVA M.** Boshlang'ich sinflarda bolalarning o'quv – biluv faoliyatini boshqarish | 292 |
| **ШОДМОНОВА А.Ш.** Мактабдан ташқари таълим муассасаларида тўгаракларни ташкил этиш методикаси | 293 |

гавдалантириб берган. Ижтимоий воқеликнинг нохуш жиҳатларию инсонга хос табиий туйғу-кечинмалар, қувонч-ташвишларга китобхон диққатини қаратган Абдулла Қодирий даврнинг ички зиддиятларини моҳирона бадиий таҳлил эта олган. Қодирийона усталик ва маҳорат билан айтилган қистирма гап, имо-ишора, пичинг-киноялардаги истеҳзони англамоқ учун ҳам китобхондан алоҳида сезгирлик талаб қилинади.

Фитрат эса аксарият насрий ва драматик асарларида воқеаларни гоҳ нариги дунё, гоҳ дўзах, гоҳ ҳинд тупроғига кўчириш орқали жаҳолатга қарши кураш, халқ кўзини очиш, қалбига маърифат зиёсини етказиш мақсадини кўзлайди. Фикр ва туйғуларини ажнабий тилида баён этиб, етук зиёли ҳақидаги концепциясини олға суради.

Ифода ва услуб ранг-баранглигидан фойдаланиб даврга муносабат билдириш анъанаси бугунги насримизда ҳам давом этмоқда. Жумладан, фикр ва тафаккурга асосланган романлар яратаётган Омон Мухтор қадимги ўзбек насри, халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган кўплаб жиҳатлар: дидактика, мажозийлик, муболаға, шартланганлик, сюжет ихчамлиги, саргузаштлилик, тилсим воситаларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратади. Турли руҳий ҳолатларни тасвирлаш ва фон яратиш мақсадида баёнда диалог, монолог, киноя, кочирим, рамз, мажоз, шама, пичинг, ўхшатиш каби поэтик компонентлардан унумли фойдаланади. Носир романларига хос бундай жиҳатларни ўрганиш унинг ақидалари, эътиқоди, услуби ҳақидаги фикрларимиз доирасини янада кенгайтиради. Фалсафий-психологик мушоҳадаларимиз эса Омон Мухтор романлари моҳиятига теранроқ кириб бориш, оламни синергетик ўзлаштириш ғоясининг бугунги адабий насримиздаги зуҳуротини кузатиш имконини беради.

Билим олиш, фаол ҳаракат қилиш, тафаккур ва ирода кучи ато этилган инсон ўзининг психик фаолияти билан яхлитлик касб этади. Ўз фаолияти учун тўла жавобгар бўлган инсон камчиликларини амалда бартараф эта бормоғи лозим. Оламнинг ривожланиш мантиғига зид тарзда инсон ҳаракатларини чегаралаб қўйган ўтмиш жамиятини таҳлил этган Омон Мухтор инсон ўз мақсадларига онгли равишда ҳаракат қилиш орқали эришади, деб билади. *"Тепаликдаги хароба"(3)* романининг қаҳрамони Мирза Ғолиб ўз сезги ва кечинмалари, кайфиятлари оламида яшайди, ҳаракат қилади.

Носир инсоннинг тарихий бурилишлар даврида қандай яшай олиши масаласини кенг таҳлил этади. Унинг қаҳрамони кундалик одатий ҳаётда ўзини англаб етишга ҳаракат қилади. Мирза Ғолибнинг ҳиссиётлари тамомила эркин. У теварак-атрофда бўлаётган ҳамма ишлар учун айбдорлик туяди. Омон Мухтор методологик асос сифатида борлиқни синергетик билиш услубига таяниб, ҳаётнинг чин моҳиятини очади.

Ёзувчи Мирза Ғолибни ўлим билан юзма-юз келган ҳолатда, яъни чегара (экстремал) вазиятда тасвирлайди. Натижада, қаҳрамон ўз борлиғи, шахсий мавжудлигини англай бошлайди. Илк бор ўз эркинлигини қўлга киритади, ўз-ўзини шакллантиради. Ҳаёт талабларига мослашиб кетавермай, оломонга нисбатан норозилик туйган Мирза Ғолиб давр воқеаларининг боришида бирон нарсани ўзгартиришга қодир эмаслигини сезиб, руҳан қийналади. О.Мухтор интеллектуал-психик функцияларни биринчи ўринга қўйиб тасвирлайди. Натижада, Мирза Ғолиб конкрет ва такрорланмас шахс сифатида майдонга чиқади. Бу эса яқин ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик қарашларни кескин танқид қилиш имконини беради.

*"Тепаликдаги хароба"* романида XX аср бошларида тафаккурда қилинган ўзгаришларнинг самарасиз кечгани ҳақида сўз боради. *"Боғ"* орқали ишора қилинган макон шартли тарзда тушунилиши керак. *"Боғ"*даги уйлар бир-биридан ажралган ва омонат. *"Уммон"*даги бундай *"орол"*ларнинг номлари ҳам муҳим эмас. Бутун гап уларнинг моҳиятан ўхшашлигида, одамларнинг эрксизлигида. Тепаликдаги хароба Мирза Ғолибга гоҳ қўналғани, гоҳ оромгоҳни, гоҳ турар жойни, гоҳида эса шифохона ёки қамоқхонани эслатади. Бу хароб манзаралар яқин ўтмиш ҳаёти лавҳаларидир. Бу лавҳаларни муаллиф очиқ-ошкор қатағон даври қамоқхоналарига қиёслайди. Шўролар даври жамиятини хароба ёки маҳбусхона деб аташ (роман 1987 йилда ёзила бошлаган ) учун носир фикри ва ҳиссини тўплаб, жўшиб, сидқидилдан тафаккур юритган.

Бизнингча, бугунги ўзбек насри, хусусан, кўплаб қисса ва романларнинг ижтимоий-ахлоқий моҳиятини эркинликнинг ноанъанавий тушунилиши, унинг объектив талқинидан изламоқ керак. Таълимнинг ҳамма босқичларига замонавий ўзбек адабиётининг муайян диққатга сазовор намуналари кириб бормоқда. Уларда янгича адабий тамойиллар, услублар, усуллар мужассам. Улар поэтикаси тўғри таҳлил ва талқин этилмаса, ибратлар ҳосил бўлмайди. Мумтоз адабиёт намуналарини ўргатишда бундай муаммовий ҳолат деярли кўзга ташланмайди. Мақсад ёшларнинг маънавий-эстетик тарбияси экан, бугунги адабиёт намуналарини ҳам тушунтириш асл моҳиятдан йироқ бўлмаслиги керак.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маҳмур. Ҳапалак. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тўртинчи том. "Фан", Т.: 1978., -Б.104.
2. Гулханий. "Зарбулмасал", Т.: 1960.-Б.58.
3. Омон Мухтор. Тўрт томон кибла. "Шарқ" НМК Бош таҳририяти , Т.: 2000.

## «ҚИСАС АР-РАБҒУЗИЙ»ДА ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДАГИ МИФЛАР

**ШУКУРОВА З.Ю., ТДПУ, Тошкент,**

Маълумки, инсонлар доимо ўзларининг азалий ва абадий қизиқтирган саволларига жавоб топишга, атрофини ўраб турган набoтот ва ҳайвонот оламининг сўнмас сеҳрини тушунишга интилиб келган. Носириддин Рабғузийнинг «Қисас ар-Рабғузий» асари ҳам атроф олам ҳақидаги лавҳаларни ўзида акс эттирган ёдгорлик

бўлиб, унда ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ўзига хос хусусияти ҳақидаги киритма мифологик афсоналарни учратиш мумкин. Бу борада Нуҳ (а.с) тўфони ҳақидаги қисса алоҳида аҳамиятга моликдир. Қиссада инсонларнинг оламни билишга бўлган қизиқиши, фикр доираси, тасаввур дунёси ҳақида маълумот берувчи кўплаб мифологик афсоналар келтирилган бўлиб, улар ўтмиш аждодларнинг табиат ва одам ҳақидаги илк ибтидоий қарашлари маҳсуллари сифатида қимматлидир. Масалан, қиссада сичқон, тўнғиз ва мушукнинг пайдо бўлиши ҳақида шундай дейилади: «Хабарда андоғ келтурмишлар, уч нарса йўқ эрди. Кемада, дарё ичинда бўлди. Бири мушук, иккинчи сичғон, учунчи тўнғуз. Сичғон пайдо бўлди, кемини талашлади. Ёрлиғ бўлди, Нуҳ илкин арслон бошинға сифади. Бурниндин икки мушук чиқди. Ул сичғонни едилар»[52]. Кўринадики, ёзувчи мушук ҳамда сичқоннинг пайдо бўлишини Нуҳ тўфони билан боғлайди ва буни «Хабарда андоғ келур» анъанавий зачини билан бошлайди. Ижодкорнинг бу лавҳалари этиологик хусусиятга эга бўлиб, мушукнинг келиб чиқиши ўзи билан турдош бўлган арслонга тақалади ва улар тарихан бир турдаги ҳайвон эканликлари таъкидланади. Ўқувчи қиссани ўқиганда сичқон аввал бошдан кемирувчи зараркунанда бўлганлиги, мушук эса сичқонни йўқ қилиш учун арслондан пайдо қилингани ҳақидаги мифологик тасаввурга эга бўлади.

Маълум бир ҳодисанинг этиологиясини келтиришда ўзига хос ёндашув унинг вариантлилигини таъминлайди. Хусусан, сахалин халқлари орасида сичқоннинг яқин қариндоши ҳақида «Қурбақа ва каламуш» афсонаси борки, у халқ орасида «Удала и атиы» номи билан машҳур. Унга кўра кунларнинг бирида кўп фарзандли қурбақа ва кўп фарзандли каламуш қайиққа ўтириб бироз шумурт (дарахт тури) териб келгани йўлга чиқишади. Узоқ денгиз кезиб бир соҳилда тўхташади. Каламуш соҳилга чиқиб бир талай олма териб келади. Қурбақа эса соҳил тик бўлгани учун қайиқдан ташқарига чиқолмайди. Шунда қурбақа болаларини каламушникига жўнатиб олмасидан озгина бериб туришини сўрайди. Бироқ каламуш унинг болаларини уриб ҳайдаб юборади. Орадан бироз вақт ўтиб қурбақа болалари билан лось ҳайвонини ўлдириб еяётганда каламуш ҳам улардан гўшт сўрайди. У ҳам рад жавобини олади. Шунда каламуш гўштни ўғирламоқчи бўлиб борганда, уни пойлаб турган қурбақа таёқ билан орқасига уради. Шундан бери каламуш букри ва чийиллаган овоз чиқариб юрадиган бўлган экан[53]. Эътибор берилса, ҳар икки ҳикоятда сичқон ва унинг турдоши каламуш зараркунанда, хасис, ўғри, худбин кемирувчи ҳайвон сифатида тасвирланади ва бу қараш инсонлар орасида ҳозиргача сақланиб қолган. Ҳикоят билан танишган китобхон сичқон ва каламушларнинг чийиллаб овоз чиқариб юришига унинг очкўзлиги сабаб бўлган экан, деган хулосага келади ва бундан оламжаҳон завқ олади.

Юқорида таъкидланганидек, мушук кемада сичқон пайдо бўлиб бутун жонзотни ғарқ қилиш кўркинчи пайдо бўлгандан кейин арслоннинг бурнидан чиққан ҳайвон сифатида тилга олинади. Демак, мушук ҳақидаги бу мифологик афсона этиологик хусусиятга эга. Агар араб халқлари оғзаки ижод намуналарини кўздан кечирсак, унда исломга қадар яратилган кўплаб фантастик фольклор намуналари изларини учратишимиз мумкин. Масалан, араб давлатларидаги суахили халқ афсоналарида «Мушукнинг тарихи» номли эртакда мушукнинг қандай қилиб уй ҳайвонига айланганлиги ҳақида хабар берилади[54]. Нуҳ (а.с) қиссасидаги мушукнинг пайдо бўлиши ва суахили халқ афсоналаридаги мушукниг уй ҳайвонига айланиши тўғрисидаги мифологик афсоналар солиштирилганда Рабғузий келтирган лавҳалар нисбатан қадимий ва бу мифологик афсоналар дастлаб туркий халқлар оғзаки ижод намуналарида пайдо бўлганлиги маълум бўлади. Бу эса туркий халқларнинг келиб чиқиши узоқ мозийга тақалиб, илк инсонлар яшаган манзил бўлганлигини тасдиқлайди. Нуҳ тўфонида пайдо бўлган мушук афсонасининг мантиқий давоми сифатида араб халқлари оғзаки ижод намуналаридаги мушукнинг уй ҳайвонига айланиши лавҳасида эса халқлараро ҳам ўзаро фикрий боғлиқлик борлиги тасвирланади.

Қуйидаги ҳикоятда ҳам мушукнинг яна бир хислати очиб берилади. Тўфон вақтида Нуҳ (а.с) барча инсон ва жониворларга: «Жуфтларингиз билан қовушманг, кўпайишсангиз кемада сиғмаймиз»,– деб таъкидлайди. Бироқ ит буйруққа итоатсизлик қилиб жуфти билан қовушади. Итнинг бу ҳолатини кўрган мушук воқеадан пайғамбарни хабардор қилади. Ит эса бу айбловни очиқ рад этади. Шунда мушук Аллоҳ Таолога ёлбориб: «Илоҳий, бу ит сенинг ялавочингға ялғон сўзлаюр, яна тонар. Қудратинг била муни бир ҳол уза тутгил, мен бориб Нуҳға хабар қилайин, ўзи келиб кўрсун», теди. Мавло анинг дуъосини ижобат қилди. Ит ул ҳол уза қолди. Нуҳ келиб кўргинча…….., ит ғоят уётлиғ бўлди. Бу кунга теги итга ул иш мерос қолди. Ит ема дуо қилди: «Мани Нуҳға фасиҳат қилди. Изиё, анима расво қилғил», теди. Мавло азза ва жалла итнинг тилакин раво қилмади. Қачон мушуклар жуфтиға ҳожатлиғ бўлса онча янглиғ ун чўғи қилур. Қамуғи халқлар билур»[55]. Итнинг айбини очган мушукка яна бир ҳолат мерос қолди. Яъни у жуфтига ҳожатлиғ бўлганда овозини борича увиллар ва бу овозни ҳамма эшитар ва билар экан. Эътибор қилинса, киритма мифологик афсоналар воситасида одамларнинг нега ит доим мушукни ёмон кўради, нега уни кўрганда тинимсиз ҳуриб қувлайди, нега мушук ундан доим қочиб юради каби саволларига жавоб бергандек бўлади. Демак, қадимги инсонлар тасаввурида бу адоватнинг ибтидоси мушук итнинг айбини очишида ва энг ачинарлиси, ит пайғамбар олдида уятли бўлганлигида деб изоҳланган. Натижада итнинг жуфтига қовушганда маълум муддат шу алфозда туриши ва бундан барчанинг хабар топиши унинг авлодига мерос қолди. Мушукнинг чақимчилиги учун доим ундан ўч олмоқчи бўлади. Мушукнинг ҳам бу иши гарчанд тўғрига ўхшаса-да, бироқ ёзувчи унинг бу ишини

---

[52] Рабғузий.Н.Б. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи. 1990. 1-к.43-44-б
[53] Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970. с 39
[54] Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970. с 232
[55] Рабғузий.Н.Б. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи. 1990. 1-к. 44-б

маъқулламайди. Буни эса «Кимнунг айбини очса ул яна ул айбға мубтало бўлур»[56] мақоли билан фикрини тасдиқлайди. Мушукнинг иши ҳар қанча тўғри бўлса-да, лекин ит ҳақида эзгу дуо қилмаганлиги учун ўзи ҳам, ит ҳам уятли бўлади.

Қадимги инсонларнинг анъанага айланган одатларини ўзларича тушуниши ва унга асосли ҳикоятлар келтириши, дунёни билишидаги илк содда илмий тасаввурлари маҳсули дейиш мумкин. Е.М.Мелитенскийнинг «Поэтика мифа» асарида итни полинезиялик қаҳрамон Маун пайдо қилганлиги ҳақида хабар берилади[57]. Қиссадаги бошқа бир ҳикоятда итнинг инсонга вафодорлиги тасвирланади. Одам Ато ва Момо Ҳавво ер юзига тушгач, Шайтон (а.л) ер юзидаги барча жонзотларга: «Ер юзига туширилажак одамлар сизни ва авлодларингизни қириб ташлайди»,– дея васвасага солади. Шунда барча жонзотлар Одамни ўлдиргани борганда Одам (а.с)га ёрлиғ келди: «Эй Одам, буларда бирин узургил илкингни бошинға сиқағил». Одам итни узурди.... Ул кундин беру ит Одам ўғлонлари бирла қолди»[58]. Лавҳада итнинг қандай қилиб инсоннинг энг яқин дўсти бўлганлигининг сабаби берилади. Барча ҳайвонлар инсонга қарши чиққанда итнинг Одамга вафодорлик қилиши, ундан меҳрини аямаслиги Одам томонидан унинг бошини биргина силаш орқали амалга ошади.

Юқоридаги лавҳаларга эътибор берилса, ижодкор ҳайвонларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ташқи қиёфаси, бошқа ҳайвонлардан ажралиб турадиган фарқли жиҳатлари ҳақида сўзлар экан, уларнинг кўпчилигини халқ орасида юрган маълум бир тотемик қарашлар маҳсули дейиш мумкин. Бу каби мифологик афсоналарнинг XIII асрга қадар халқ орасида сақланганлиги ва бизгача етиб келганлиги дунёнинг моҳияти ва тузилишини тушунишда фольклор «илк бешик» вазифасини ўтаган деган қатъий хулосага келишимизга асос бўлади. Умуман олганда, қиссадаги мифологик афсоналар тарихан узоқ мозийга бориб тақалиб (олимларнинг фикрича, бу давр «Олтин давр» деб аталади) ҳайвонларнинг генезиси, ўзига хос характери, ташқи қиёфаси ҳақида илк ибтидоий илмий тушунчалар хусусида маълумот беради. Ўрта Осиёга ислом таълимоти кириб келгандан сўнг неча минг йиллик тарихга эга бу афсоналарга ислом дини таълимоти сингдирилиб янги мазмун-моҳият касб эта бошлади. «Қисас ар-Рабғузий» асарида ҳам ана шу қараш етакчилик қилиб, ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ўзига хос табиати пайғамбарларнинг фаолияти тасвири жараёнида уларнинг ўзига хос қирралари очиб берилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Боболардан қолган нақллар. Т.: Фан.1998. -128 б
2. Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука.1976. -408 с.
3. Поэзия и проза Древного Востока. М.: Художественная литература. 1973. с 735.
4. Рабғузий.Н.Б. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи. 1990. 1-к. . -240 б.
5. СобитоваТ. Ризаев Ш. Завқий ижодида фольклор мотивлари //Адабий мерос. –Тошкент, 1987- 4-сон (42). –Б. 11-14.
6. Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970. -260 с.

## MODERN METHODS AND TECHNIQUES OF TEACHING ENGLISH LANGUAGE

**EGAMBERDIYEVA G.A, XALIYAROVA G.J. TSPU, Tashkent**

Various attempts to define the process of teaching English language resulted in a number of definitions. However, there is one common point that most methodologists agree upon - the process of teaching English is a complex one. It usually involves **three** major steps: **the teaching** acts of presenting and **explaining** new material, **providing** practice and testing.

The success of the process of teaching largely depends on the participants - teachers and students - who have their own needs, roles, responsibilities. It is teachers' responsibility to identify and address the needs of their students.

The most extensive analysis of the human needs was presented by Abraham Maslow in his paper "A Theory of Human Motivation" published in 1943. Maslow's Hierarchy of Human Needs is often depicted as a pyramid consisting of **five** levels. The **first** lower level is associated with **physiological** needs such as breathing, food, water, sleep or excretion and is termed basic needs. The **top** levels are termed **higher** needs and comprise safety and security, love and belonging, and esteem. The needs of **safety** involve security of body, employment, resources, family, health or property. After safety needs are fulfilled, there comes the **third** layer of **human** needs which involves friendship, family, love and marriage.

Humans are social beings and they need social acceptance either of a large social group (professional organizations, sports teams, clubs or associations) or a small group (family members, friends, partners, colleagues). The lack of love and social acceptance may cause loneliness, social anxiety, and depression.

---

[56] Рабғузий.Н.Б. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи. 1990. 1-к. 44-б
[57] Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука.1976.с 184
[58] Рабғузий.Н.Б. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи. 1990. 1-к. 26-б